УДК 101.9

НАВОИЙ ВА ЖОМИЙ ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Р.Э. Ҳайдаров

Бугунги кунда ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтиришда Шарқ мутафаккирларининг хизматлари беқиёсдир. Ана шундай буюк мутафаккирлар Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлардир. Ушбу икки буюк мутафаккирнинг фалсафий-эстетик қарашлари ўзаро бир-бирига жуда яқин бўлган. Мақолада Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг маънавий-эстетик олами, уларнинг шахс маънавиятини ривожлантиришга доир адабий-эстетик қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. *Навоий, Жомий, “Ҳайрат ул-аброр”, “Силсилат уз-заҳаб”, Лайли ва Мажнун, фалсафа, тасаввуф, маънавият, этика, эстетика.*

В формировании высокого духовно-нравственного облика молодежи в эпоху глобализации большую ценность представляют творения великих мыслителей Востока, каковыми являются Алишер Навои и Абдурахман Джами. Философские и эстетические взгяды этих двух мыслителей, связанных между собой как “пир и мурид” – наставник и ученик очень близки друг другу. В статье осуществлён сравнительный анализ нравственно-эстетического мира и духовного мировозрения Навои и Джами.

Ключевые слова: *Навои, Джами, “Хайрат ул-абрар”, “Силсилат уз-захаб”, “Лейли и Мажнун”, философия, суфизм, духовность, этика, эстетика.*

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ўзининг “Тарихи Рашидий” асарида Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳақида шундай деб ёзади: “Султон Ҳусайн мирзо замонида яшаган авлиёи бузруквор муршиди олий зотлар орасида ҳаммадан улуғи, ислом дунёсининг нури шайхулислом Мавлоно Абдураҳмон Жомийдир” [1. Б. 276]. Яна бир жойда “Шоҳрух мирзо замонасида, Мовароуннаҳр ва Хуросонда бешта энг улуғ уламо бор эди, уларни “Хамсаи мустажир” (беш бузруквор) деб аташарди. Булардан биринчиси – ҳазрати Мавлоно Абдураҳмон Жомий, иккинчиси – Мавлоно Довуд Ҳисорий, учинчиси – Мавлоно Шайх Ҳусайн, тўртинчиси – Мавлоно Шамсиддин Баҳрободий, бешинчиси – Мавлоно Бурхониддин эди” [1. Б. 279], деб ёзади.

Кўриниб турибдики, Ҳазрат Мир Алишер Навоий ана шундай улуғ олим ва замонасининг энг етук шоири Абдураҳмон Жомийга замондош бўлган, у билан бир умр фахрланиб яшаган. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ижодий ҳамкорлиги, уларнинг бадиий эстетик ва фалсафий қарашларини ёрқинроқ англаб олиш, тўлароқ тушуниб етишимиз осонроқ бўлиши учун биз “Тарихи Рашидий”дан яна бир мисол келтирамизда, сўнг Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий муносабатларини баён этишга ҳаракат қиламиз.

“Тарихи Рашидий”да ёзилади: “Унинг тахаллуси Навоийдир. Унгача ҳам, ундан кейин ҳам туркий тилда ҳеч ким унчалик кўп шеър битган эмас. У шеър илмининг устаси, унинг туркий шеърларининг шуҳрати Мулло Жомийнинг форсча шеърлари шуҳрати билан тенг. У форс тилида ҳам (Навоий) кўп шеърлар ёзган”. [1. Б. 38]

Демак, кўплаб тарихий манбаларда таъкидлаб ўтилганидек ва тан олинганидек, Ҳазрат Алишер Навоий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомийлар бир-бирлари билан жуда яқин, айтишимиз мумкинки, устоз ва шогирдлар бўлишган. “Алишер Навоий 1470 йили қадрдони, устози, пири Нуриддин Абдураҳмон Жомийдан нақшбандий тариқати бўйича иршод олади ва бундан кейинги ҳар бир ишида уни ўзига маслаҳатгўй, йўлбошчи қилиб олади” [14. Б. 24]. Бу устоз ва шогирдлик бу икки сиймо ўртасида бир умр давом этган. “Абдураҳмон Жомий буюк ва ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига пир ва устоз сифатида тўғридан-тўғри таъсир кўрсатган зот ҳисобланади” [11. Б. 4]. Фикримизни асослаш учун бевосита Алишер Навоий асарларига мурожаат этамиз.

Алишер Навоий билан Мавлоно Жомийнинг ҳамма ҳавас қиладиган дўстлиги ва устоз-шогирдлиги, бу нодир инсонларнинг ижодий ҳамкорлиги, юқорида айтганимиздек, кўпгина тарихий ва адабий манбаларда акс этган. Жомийнинг маънавий–эстетик оламини энг яхши билувчи тадқиқотчи олим ва шоир ўша даврда Алишер Навоий эди. У “Ҳайрат ул-аброр” асарининг 13-бобида Жомийнинг маънавий, эстетик олами, дунёқараши ҳақида бундай ёзади:

Улки, бу кун ҳутби тариқатдир ул,

Кошифи асрори ҳақиқатдир ул.
Кўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси.

Яна: Мақоми, унинг етти фалакдан баландда. Етти фалак мушкули (Жомий) олдида ҳал. Қасри каломи (сўзлари билан қурган қасри) шу қадар баландким, анга гардун сола олмай каманд. Назм ақолими (иқлимлари) жаҳонини тутуб, Насри дағи кишвари жонни тутиб, файзи гадою шоҳ аро мунташир (тарқалган), хизматиға шоҳу гадо муфтахир (фахрланади)" [2. Б. 31].

Шундан сўнг Навоий устозига хизмат қилиб юрган вақтларида Жомий унга бир мураккаб ижодий топшириқ берганини эслайди: "Кулгу билан қилди ишорат манга, "Туҳфа" била берди башорат манга... Бошдин оёқ гавҳари шаҳвор эди, Қайси гуҳар, "Туҳфат ул-ахрор" эди.

Навоий устозининг бу нодир асарида айтилган теран фалсафий, ахлоқий, эстетик фикрларни ўқиб, шайдо бўлди, завқу шавққа тўлди, ҳақиқатлар хазинаси бўлган бу асарни Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"ини севиб, ёд қилгандай, Жомий асарини ҳам севиб, илҳоми қайнаб-тошиб, ўз элининг тили – туркий тилга таржима қилмоқчи бўлади.

Форсий ўлди то аларға адо,
Туркий ила қилсам ани иқтидо.
Форсий эл топти чу хурсандлиқ,
Турк дағи топса барумандлиқ.

Бу сўзлар "Туҳфат ул-афкор" қасидаси маълум маънода Жомийнинг "Туҳфат ул-ахрор"ига жавоб деб ўйлашга имкон беради. Аммо бизга маълумки, Навоий устозининг "Туҳфа"сини ўқиган вақтидаёқ, алоҳида форсча жавоб қасидасини ёзган. Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида айтадики, Низомийнинг "Маҳзун ул-асрор" ва Хусрав Деҳлавийнинг "Матла- ул-анвор" достонлари каби нодир асарлар ёзишни кўпчилик шоирлар орзу қилди, лекин улар гул ўрнига хас келтирдилар. Фақат бир зот – устоз Жомий бундай ("Туҳфат ул-ахрор" каби) буюк асарни уддалай олди".

Алишер Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин" муқаддимасида бир воқеани келтиради. Машҳур авлиё Аҳмад Жомийнинг ватани бўлган Жом вилоятига "Орифи комил мавлоно Фахриддин Луристоний бўлғувси алломанинг отасини кўришга келганида, гўдак Абдураҳмон зеҳнини синаш учун ҳавога "Али" ва "Умар" каби исмларни "ёзиб", "Қани, ўқинг-чи, нима ёздим? – деб сўрабди. Ёш Абдураҳмон "Али" деб, "Умар" деб ёздингиз, дебди [3. Б. 6-7]. Навоий ёзишича, Абдураҳмоннинг болаликдан йигитлик вақтигача унга билим бера оладиган олим Жомда қолмагани учун "Набий Ясрибга (Мадина)га ҳижрат қилгани каби шаҳарға (Хиротга) азимат қилибдилар ва Ироқ дарвозасидаги Низомия мадрасасида мавлоно Зайниддин Тойбодий, мавлоно Саъдиддин Тафтазоний ва баъзилар айтишича, Амир Хисрав Деҳлавийдан (эҳтимол, шуларнинг асарларидан) сабоқ олгандирлар. Шуниси аниққи, ёш Абдураҳмон ўша вақтда табаррук ёшда бўлган. У Саъдиддин Тафтазоний ва Саъдиддин Қошғарийдан сабоқ олган. Абдураҳмон тавҳид асрорини англаш мақомига етганида шеър, ғазаллар ёзганини ҳеч кимга билдирмай, табиий илмларни, математикани, мусиқа илмини, тасаввуф фалсафасини, Ибн Арабий асарларини чуқур ўрганади.

Ўша вақтда тасаввуф фалсафасига доир асарлар қийин тилда ёзилгани учун кўпчилик толиб ул-илмлар тушунишга қийналар экан. Навоий ёзишича, устоз Жомий "тасаввуф масоили истилоҳотин (масалаларга доир атамаларни) андоқ дақиқ равиш била тарийқларини туздиларким, ҳеч киши анинг зоҳир улуми (илмлари) ва шеър ва муаммо ва иншо ва, бу навъ нималардин шарифроқ ниҳоний амрға (ишларга) машғул эканларин билмадилар ва фаҳм ҳам қилмадилар [3. Б. 8], яъни Жомий тасаввуф фалсафаси қонун-қоидаларини шу қадар чуқур билиб ёзганидан, ул зот фақат шу соҳа олими экан деб ўйлар эдилар. Н.Комилов таърифи билан айтганда, Жомий – Навоий наздида "реаллик билан нореаллик ёхуд дунё билан ғайб олами орасидаги" зот [12. Б. 164].

Мавлоно Жомий шу қадар камол топган бўлсалар ҳам ўта камтарин бўлиб, ҳали ўзи билмаган бирор асарни учратиб қолса, дарҳол ўқишга тутинар эди. Навоий ёзишича, "бир куни мавлоно шайх Абдуллоҳ котиб муқарраби ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг "Илоҳийнома"ға мавсум муножот рисоласин фақир (Навоий) қошига келтуриб эрди. Фақир ул рисоланинг аввал саҳифасин очиб, хутбасин ўқимоқ бунёд қилдим..." Аммо, Навоий бу асарга қизиқиб кетиб, бош кўтармай, охиригача ўқиб қўяди. "Тонгласи ҳазрати Маҳдум (Жомий) ташриф келтурдилар. Ул рисола ҳозир эрди, олиб очиб, муборак назарларин солдилар... Ва айтдиларки, унга ҳам мавлоно Абдуллоҳ котиб бу рисолани келтирган экан, у ҳам бир неча саҳифа ўқиб кўрмоқчи экан, қизиқиб бош кўтармай, рисолани охиригача ўқиб қўйибди [3. Б. 13-14]. Бу қисқа хабардан уч хил маънони уқиш мумкин: 1.Жомий ҳам, Навоий ҳам ўткир зеҳнли бўлган. 2. Иккови беш аср аввал яшаган шайхулислом, файласуф, тасаввуф алломаси Абдуллоҳ Ансорийга буюк ҳурмат билан қараганлар. 3. Бошқа олимлар Жомийга ҳам, Навоийга ҳам муҳим ва нодир китобларни сотиш учун олиб келиб турганлар. (Жомий айтади: "Тонгласи мавлоно шайх Абдуллоҳ келди, то китобини ё баҳосини олғай").

Шу ўринда Д.Салоҳий ўзининг "Жомий теграсидаги баҳслар" номли мақоласида "Кичик бир том остида бутун жаҳон беркинган, унинг оти – Жо-

мий”, дея эътироф этган Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари билан ўзбек адабиётшунослигида жомийшунослик саҳифаларини очиб берди”, дея Навоийнинг Жомийга муносабатини эътироф этади. “Абдураҳмон Жомий қолдирган юксак маънавий хазина форсийзабонлар ўртасида нечоғли қадрланиб асралган ва ўқилган бўлса, туркийгўйларнинг ихлосу эътиқоди ҳам ундан кам эмас” [15. Б. 42], деб қайд қилади Р. Воҳидов.

Алишер Навоий яна бир ўринда устоз Жомийнинг Низомийдан ҳам аввалроқ яшаган шоир Анварий қасидалари ҳақида мақтовини келтиради: “Биз анинг ашъорин, батахсис қасоидин (хусусан, қасидаларини) оз ўқиб эрдик, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илгимизга тушибтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз. Баъзи ерда айтса бўлғайким, башар каломидин ўтуб, эъжоз (мўъжиза) ҳаддиға етмиш бўлғай, ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарға келадур”. Навоий бу сўзни маъқуллаб, Анварий қасидасидан бир байт айтади:

Гар дилу даст баҳру кон бошад,
Дилу дасти худоягон бошад [3. Б. 27].

Яъни, агар кимнинг кўнгли ва қўли денгизу кон десалар билгилки, бундай фазилат фақат худойимда бўлади.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам устози Жомий ижодини юксак баҳолаб, фикр гавҳарларини сочади:

“Ики фил ўлса Хисраву Низомий, эрур юз фил чоғлиғ фил Жомий. Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил, Камолотин ўзидек бир жаҳон бил. Жаҳон ичра жаҳонким, топди мукнат (имкон, қувват), Солиб икки жаҳон аҳлига ҳайрат. Ўзи дарё, сўзи дурдек муҳайё, Яна маънидин ул дур ичра дарё... Навоийким, муриду бандасидур, Иродат йўлида афгандасидур”.

Навоий “Лайли ва Мажнун” достонининг 6-бобида устози Жомийга бундай мурожаат қилади:

Эй, илм юзига машъалафрўз,
Файз ойинасиға сайқаландўз.
Ҳам назминг насрдек келиб хўб,
Ҳам насринг назмдек дил-ошуб.
Чун “Силсила” айладинг ҳувайдо,
Юз ақлни қилдинг анга шайдо...

Бу ерда Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб” (“Олтин силсила”) достони эсланмоқда. Бу достонда Жомий масаллар, латифалар, ҳазил-мутойиба билан турли инсонларнинг феъл-атворини, иллатларини, бахиллик, очкўзлик, ҳасад, зулм ёмонлигини, инсон камол топиши зарурлигини кўрсатади.

Чун “Туҳфа”ни эл балоси эттинг, Жон туҳфаларин адоси этдинг. Чун “Субҳа”ни килкинг (қаламинг) этди тавзиҳ, Солдинг малак ичра зикри тасбиҳ. Сочиб лақаби жаҳон аро нур, Зоти била нурун-ало-нур.

Чун қилдинг “Ахсанул-қисас” фан,
Ул қисса улусқа бўлди ахсан.

Бу ерда Жомий ёзган ва “Қуръони карим”да ахсан, энг гўзал қисса деб мақталган “Юсуф ва Зулайҳо” достони эсланмоқда.

“Девон”ники айладинг муҳайё,
Сочти бошинга гуҳар Сурайё...

Жомий “Силсилат уз-заҳаб” достонида Аттор ва Румий анъаналарига амал қилиб, инсонларга фойдали, ибратли масал ва ҳикоятларни келтиради. Достоннинг биринчи дафтарида Жомий келтирган масалда турна лочинга тақлид қилиб, қачонгача чувалчанг топиб озиқланаман, жуссам лочиндан катта бўлса, деб кабутарни тутишга чоғланади. Шу пайт осмонда бир бургут келиб, турнага ҳамла қилади. Турна қочиб, бир чуқурга қамалиб қолади. Уни кир юваётган бир хотин “Худо менга ризқ юборди” деб, ушлаб олиб кетади. Турна аввалги ризқи рўзига қаноат қилмагани сабабли ўзи бошқага ўлжа бўлиб қолади.

Жомий “Силсилат уз-заҳаб”да ҳар бир ҳикоя охирида тарбияга оид панд-насиҳатларини айтади. Тошни тошга урса олов чиқади. Инсон қалбида ҳам олов ёқиш учун унга маърифат майидан сепиб туриш зарур, дейди. Жомий кейинги ҳикоятда мақтанчоқ, мунофиқ, худбин, ёлғончи, таъмагир кишиларни танқид қилади.

Яна бир ҳикоятда Жомий ёзишича, афандига ўхшаш бир одам чўлоқ эшагини бозорга олиб бориб, роса мақтаб, уни дулдулга ўхшатади. Одамлар унинг устидан кулиб, “Арзимаган эшагингни мунча мақтайсан, барибир ҳеч ким ишонмайди”, дейдилар. Шунда эшак эгаси “Фалончи, ўлгудай хасис, зиқна, бир чақаси учун қалтираб қоладиган бойни қўли очиқ, сахийликда Хотам Тойдан аъло деб мақтасалар сизлар ишонасизлар-ку, нега менинг эшагимнинг фазилатларига ишонмайсизлар”, дейди. Шоир кейинги бобда ҳасадни ва ҳасадчиларни ҳажв қилади. Яна бир ҳикоятда шоир баъзи ошиқлар ўз маъшуқасини лоф-қоф билан мақташларини танқид қилади.

Шоир яна бир ҳикоятда чин дўстлар бир-бирини ёлғондан мақтамай, камчиликларини юзига айтсалар манфаатли эканлигини кўрсатади, ёлғон дўстларни кўзга тушган қил бўлиб, тўғри кўришга халақит беришини айтади. Ёлғон дўстнинг мақтовларига ишонган ҳар қандай оқил ҳам тузоққа тушиб қоладиган қушларга ўхшаб қолади. Бундай сохта дўстларнинг зарар, кулфат келтиришини билиш керак, дейди [4. Б. 31-40].

Шоир “Силсилат уз-заҳаб”нинг 2-дафтарида севги, ишқ мавзуида бир неча ҳикоятлар келтиради. Шулардан бирида Жомий шоҳ қизи келишган жуссали занжи (негр) йигитни қаттиқ севиб, висолга интилишини тасвирлайди. Қизнинг энагаси ярим кечада занжи йигитни ўз уйига чақириб, меҳ-

мон қилиб, дори бериб, ухлатиб қўяди ва хизматкорлар ёрдамида уни шоҳ қизининг оромгоҳига элтади. Йигитни уйғотадилар. Шоҳ қизи ва занжи йигит висол лаззатидан баҳра оладилар. Сўнг йигитни яна ухлатиб, ўз уйига элтиб қўядилар. Эртасига занжи йигит уйғониб, кечаси кўрганларини уйқуда, тушимда кўрдим деб ўйлайди. Бу сюжет Ф.Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонида учрайди. Жомий бундан ижодий фойдаланган ва фалсафий мазмунини янада кучайтирган. Шу бобда (2-дафтарда) Жомий қайғули ишқ қиссасини - Уайна ва Райя севгисини, буларга бадавлат қабила бошлиғи Муътамир ғамхўрлик қилиб, совчи бўлиб бориши, қизнинг отаси қийин шарт қўйиб, ҳаддан зиёд қалин сўраши, Муътамир саховати билан тўй бўлиб, севишганлар висолга етишгани, қирқ кундан сўнг бу ошиқлар қароқчиларга қарши жангда ҳалок бўлишини тасвирлайди. Шоир қисса охирида ишқни мадҳ этади. Жомий “Силсилат уз-заҳаб”нинг 3-дафтарида Низомий Арузий (XII аср) “Чаҳор мақола”сида берилган Ибн Синонинг мелонхолия дардига учраган, ўзини ҳўкиз деб ҳис этган руҳий беморни даволашини ҳикоя қилади.

“Силсилат уз-заҳаб”нинг 2-дафтари ишқ фалсафаси билан бошланади. Бу ерда шоир Ибн Синонинг “Ишқ рисоласи”дан фарқли ўлароқ табиий мавжудотларнинг барчаси униб-ўсишига сабаб бўлган ишқ фалсафаси ҳақида ҳам, фақат етук ва нодир инсонларга насиб этадиган илоҳий ва инсоний ишқ ҳақида ҳам фикр юритади. Жомий фикрича, найнинг шикоятлари ва ҳикоятлари ишқдан (Жалолиддин Румийга ишора), ишқ инсонларни адолатга, ҳақиқатга етаклайди. Ишқда насл-насаб, шоҳу гадолик аҳамиятсиз. Ишқ оҳанрабоси сояни ҳам, нурни ҳам ўзига тортади. Шоир фикрича, ошиқ гўзалликнинг қули, агар ёри алдаса, баъзи ишлари ёқмаса, кўнгли совуши, ишқ олови ўчиши ҳам мумкин. Ишқ оташи сўнмаслиги учун ошиқ дили Вомиқ ва Қайс дилидай тоза, маъшуқа жамоли Узро ва Лайли камолидек бўлиши зарур. Шоир: “Мен ошиқлар йўлига кирдим, оқиллар йўлидан узоқлашдим”, дейди. Бошқача айтганда, ошиқ бўлиш эс-ҳушини йўқотишдир. Ибн Сино ҳам “Тиб қонунлари”да ишқни касаллик, деб ёзган эди.

Жомий “Силсилат уз-заҳаб”нинг 3-дафтарида шеър санъати ва шоирлар табиати ҳақида адабий-эстетик фикрларини баён қилади. Жомий фикрича, шеър – хирад (ақл) қушининг парвози, шеър – бадиий ижоднинг мангу овози. Ақл қуши айтадики, баъзи шеърларни ўқисанг, илҳом булоғига қонасан, баъзи шеърларни ўқисанг дарду ғам гулханида ёнасан. Мақтанчоқ, ҳавойи шоирларнинг шеъри яхши ёнмасдан тутаётган ўтин каби димоғингни ачитади, бунақа шоирларнинг сўзлари инсонни қийнаб, ғашликка солади. Агар шеърда ҳаққонийлик бўлса, бу яхши безакдир. Шеърда агар ёлғон кўп бўлса, рангсиз, қадрсиздир. Яхши шеър булоғида дурлар кўринади, шеър булоғи лойқа бўлса, ундан сув ичма, тарк эт [4. Б. 3].

Кейинги фаслда Жомий ўтмишдаги шоирлар ўз ижоди билан подшоҳларни адабий шон-шуҳратига ноил қилганларини айтади. Унсурий султон Маҳмудни, Ҳоқоний Ширвон шоҳларини, Саъдий ўз замонасидаги нодир инсонларни (Ака-ука вазирлар Шамсиддин ва Алоуддин Жувайнийларни) “Гулистон”ида ва бошқа асарларида мадҳ этди. Қудратли подшоҳларнинг муҳташам қасрлари вайрона бўлдилар, аммо уларнинг номлари шоирларнинг шеърларида абадийлашиб қолди. Шеърий сўз қудрати кўнгилларни зангдан тозалайди, кишанларни парчалайди.

Жомий “Лайли ва Мажнун” достонида ақл-хирадни, донолик ва ишқни тўлиб-тошиб мақтайди: “Борлиқни англаган мутафаккирлар, донолик илмида (фалсафада) равшан фикрлар. Англаб самовотнинг сирли китобин, ўқиғай дунёнинг чигал китобин. Нурли назарлари тушгани заҳот шубҳасиз ечилар ҳар бир мушкулот. Ақл кучи билан қилсалар таъсир, Уларга аёндир ҳар муаммо, сир...” Достон бошланишида шоир ишқ ва ошиқларнинг турли даража ва тоифаларини фарқлайди. Энг олийси содиқлар ишқидир. Жомий фикрича, донолик ва садоқат аълодир. Доно, фозил устозга меҳр, садоқат ишқнинг баланд мартабаларидан биридир. Бундай устознинг “Руҳлар ойинаси эди жамоли. Зафарлар калити эди мақоли. Гул эрур у сенинг кўнгил боғингда. Кўприқдир дунёдан ўтар чоғингда. Бу ишқдан ҳар кимки бенасиб бўлғай, жаҳонда эл ичра у ғариб бўлғай... Ишқ туфайли одам одам бўлғуси. Ишқ туфайли дўсту ҳамдам бўлғуси...[5. Б. 7-10]. Жомий фикрича, ишқсиз одамдан эшак афзалроқдир. Ишқ – чин инсонлар фазилати.

Устоз Жомий ишқ деганда фақат эркак ва аёл севгисини эмас, Ибн Сино “Ишқ рисоласи”да ёзганидек, барча инсонларнинг бир-бирларига иззат-ҳурматини, меҳр-шафқатини тушунади.

Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида Жомийнинг назмини ва насрини мақтар экан, устози “Хамса” ёзиш билан чекланмай, етти достон “Хафт авранг” (“Етти тахт”) ёзганлигини айтади:

Гар “Хамса”ни этмай мураттаб,
Килкинг яна сўз қилиб мураккаб,
Ул дамки хароши хома қилинг,
Ўзга нима нақш нома қилдинг.

Жомий ўта камтарлиги сабабли ўзини Низомий, Хусрав Деҳлавий ва бошқалар каби хамсанавис деб ўйламайди, шу сабабли беш эмас, етти асар ёзади. Аммо, Алишер Навоий устозининг бу соҳада улуғлигини билиб, тан олиб, Жомийни хамсанавислар қаторига қўшади:

Лекин киши бўлса фикратандеш,
Ул ганжга ҳам эрур адад беш, –
дейди ва бу беш асарни юксак баҳолаб, ёзади:
Чун “Силсила” айладинг ҳувайдо,
Юз ақлни қилдинг анда шайдо.
Чун “Туҳфани эл балоси” этдинг,
Жон туҳфаларин фидоси этдинг.
Чун “Сибҳа”ни килкинг этди тавзеҳ,
Солдинг малак ичра зикри тасбеҳ, –
Чун қилдинг “Ахсанул-қисас” фан,
Ул қисса улусқа бўлди ахсан [6. Б. 37].

Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонини ёзаётган вақтида ҳали Жомий “Искандар хирадномаси” достонини ёзмаган кўринади. Акс ҳолда Алишер Навоий уни “Лайли ва Мажнун” достонида кўрсатган бўлар эди. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонида ҳам устози Жомий шахси, етуклиги, комиллиги, ижоди ҳақида юксак фикрлар билдиради. У достонининг 7-бобининг сарлавҳасидаёқ Жомийни бундай тавсифлайди: “Жаноби сипеҳрмакон хизматкорлиғи ва саҳоби гавҳар афшон ҳаводорлиғи (самовий юксак булути ёмғиридан гавҳар ёғдириб, элга совға қилиши), яъни ҳазрати шайхулисломий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадда зилла ҳулолий (бадиий нафосатининг сояси бизга ҳам тушган) мадҳида хома найи (шакарқамишдан қалами)нинг шакарборлиғи ва кўнгул садафининг гавҳарнисорлиғи”. Шу сарлавҳадан кейин Навоий устозни бундай тасвирлайди: “Фазл конию илм дарёси, бакру кон сирринг сиршуноси... Кашфи ҳикмат иши камоҳи анга, ҳам табиийу ҳам илоҳий анга (яъни, Жомий учун фалсафий муаммоларни кашф этиш ҳам табиий, ҳам илоҳий марҳаматдур). Худ риёзийда фикрлари гардун рав, Айириб чарх мазраин жав-жав.” (Математика илмида фикри осмонда кезади, фалак чархини ўз экинзоридай ўлчайди). Арабиятда дарс анинг вирди. Ибн Ҳожиб (унга) камина шогирда. (Жомийнинг араб тили дарслигини ёзган Жамолиддин Усман ибн Умар ибн Ҳожибнинг “Қофия” асарига шарх ёзганига ишора). Ибн Ҳожиб демайки, Жаруллоҳ (Маҳмуд Замахшарий), Онча тафсиф ишинда йўқ огоҳ...” Навоий устоз Жомийни араб тили грамматикасини билишда Замахшарийдан ҳам устун қўяди, чунки) тили зикри каломи раббоний, ҳарф бар ҳарф забт этиб они. (Яна: Жомий “Бисмиллоҳ” сўзининг “Б” ҳарфининг нуқтаси ҳақида ҳадис уламоларидан Ибн Ҳожар Асқалонийга, фиқҳ уламоларидан Имоми Аъзамга қиёслайди. Жомийнинг тасаввуф фалсафасига доир “Лавомеъ”, “Лавойиҳ”, “Ашиъатул-ламаъот”, “Шавоҳидун-нубувват”, “Нафахот ул-унс”, “Туҳфат ул-аҳрор”, “Субҳат ул-аброр” (“Яхшилар тасбеҳи”), “Силсилат уз-заҳаб” асарларининг ҳар бирига мухтасар юксак баҳо беради: “Килкидин чун “Лавамеъ” этти зуҳур, солди офоқ ичинда ламъаи нур (Жаҳонга порлоқ нурини сочди). “Чун “Шавоҳид”ға бўлди нуктатирез, Қилди юз шоҳид анда жилваи ноз” “Нафакот” ичраким фатуҳ андин, Нафҳаи унс топти руҳ андин”. (“Нафакот ул-унс” асари билан дўстлик шабадаси, руҳланади). Маҳзан ул-асрор “Субҳа” иқдиға берди чун тавзиҳ, Содн хайли малак аро тасбиҳ” (Жомийнинг бу асарлари гўзаллигидан таъсирланган фаришталар тасбеҳ ўгира бошладилар). “Чунки таҳрик топти “Силсила”си. Телбалик бўлди ақл масаласи, яъни бу асар маънолари оташинлигидан оқиллар ҳам телба бўлиб қоладилар...”

Алишер Навоий шундан сўнг яна Жомий ижодини талқин қилишда давом этади: “Ғазалиёти ўт жаҳонға солиб, Шуғласи юз шарора жонға солиб, Ўзига ҳар фандоким расойил анга, Борча Ҳақ васлига васойил анга” [8. Б. 42]. Жаҳонда Жомийдан бошқа ҳеч бир шоир, ҳеч бир мутафаккирга Навоий айтган юксак тавсифларни эшитиш насиб этмаган. Алишер Навоий фикрича, устоз Жомийнинг ижтимоий, фалсафий, маънавий олами шу қадар юксакликдаки, агар ул зотнинг поясини (пойгагини) афлокка (фалакларга) ўхшатса, у одам фалакни қадрламай хашакка ўхшаган бўлади. “Илмин онинг тенгизга қилса хитоб, Мутлоқ ўлғай демак тенгизни сароб. Не камолот аро насиҳат анга, Не матотибда (мартабаларда) ҳадду ғоят анга. То камол аҳлидан мақол ўлғай, Одами зийнати камол” [7. Б. 43], Яъни қачон, қайси замонларда ҳам камол аҳли, баркамол инсонлар ҳақида сўз борса, суҳбат ўшаларнинг номи билан зийнатланади, безанади”.

Шуни таъкидлаш керакки, етук навоийшуносларлардан Порсо Шамсиев Навоийнинг барча асарларидаги Жомий таърифидаги қисмларни тўплаб, “Жомий ва Навоий” номли китоб тузиб нашр этган [9. Б. 3].

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарларининг 16-фаслида “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” фикр юритар экан, шоирларни турли табақаларга ажратиб, тасниф этадики, бундай аниқ ва дақиқ, кенг кўламли таснифни бу соҳанинг энг буюк билимдонлари Арасту, Лессинг ва Гётенинг поэтикага доир асарларида ҳам учратмаймиз. Арасту фақат шоирларнинг уч табақасини – воқеликни, характерларни бадиий акс эттирувчи шоирларни, табиат ҳақида илмий фикрларни ифодаловчи шоирларни ва фалсафага доир шеър ёзувчиларни тавсифлаб, биринчи гуруҳини ҳақиқий шоирлар деб баҳолайди.

Алишер Навоий эса шоирларнинг йигирмага яқин гуруҳ ва табақаларини аниқлаб, тасвирлайди. “Аммо бу азиз қавмнинг пешвоси ва муқтадоси ва бу шариф хайлнинг сардафтари ва сархайли – валоят баҳри авлиёлик денгизларнинг гавҳари ва каромат авжи мунири ахтари (порлоқ юлдузи)

амир ул-мўъминийн Али ... дурким, назм девонлари мавжуддир ва нукати (нозик маънолари номаъдуд) (саноқсиз)" [8. Б. 24]. Алишер Навоий фикрича, форсий тилда ижод қилганлардан нозими жавоҳири асрор шайх Фаридуддин Аттор, ... яна қойили "Маснавийи маънавий баҳрининг ғаввоси мавлавий Жалолиддин Румийдурки, назмдин мақсадлари асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий (бениҳоя) имлосидин ўзга йўқтур (ўзга эмас)" [8. Б. 25]. Шундан сўнг Навоий буларга издош жамиятга "маоний аҳлининг нуктапардози шайх Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва полрави Амир Хисрав Деҳлавий ва тасаввуф ва диққат (чуқурлик) мушкулотининг гириҳкушойи (чигалларини ечгувчи) шайх Зуҳриддин Саоний ва фариди аҳли яқин шайх Авҳадуддин ва маоний адасиға лофиз" (лафзлар айтувчи) Шамсуддин Муҳаммад-ал-Хофиз" [8. Б. 26].

Яна бир табақада Навоий фикрича, "мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпрак робдурлар, андоғким Камол Исфахоний ва Ҳақоний Ширвоний ва Хожуи Кармоний, Салмон Саважий ва Носир Бухорий ва котиб Нушопурий ва Шоҳир Сабзаворий ва бошқалар туради. Шундан сўнг Навоий аввалги ва кейинги табақалар қаторида Жомийга алоҳида ўрин ажратади: "Яна ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми иккала (тоифа) тариқида вофий ва шомил, назм аҳлининг муқтадо ва имоми ҳазрати шайхулислом мавлоно нурул-миллати ва-д-дин Абдураҳмон ал-Жомий... дурким, аввалги табақа равиши ва каломида ҳам шарифмақол ва сўнгги тоифанинг ҳам адоси латоифида (латифлиги, нафислигида) соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латоифи била масрур (хурсандлардурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар" [8. Б. 26].

Мумтоз Шарқ адабиёти билимдони Ш.Шомуҳаммедов ўзининг "Форс-тожик адабиёти классиклари" китобида Жомийнинг фалсафий эстетик қарашлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берган: "Жомий бир куни Навоий билан хамсачилик ҳақида суҳбатлашади. Суҳбатда устоз ва шогирд "Хамса" таркибига кирган (ўзларидан олдинги "Хамса" ёзган шоирлар асарлари) достонларни муҳокама қилишади. Жомий суҳбат якунида ўзи ёзган "Искандар хирадномаси" достонида барча тенг ва озод бўлган адолатли давлат ҳақидаги фикрларини баён қилганини таъкидлаб ўтади. Бундай фалсафий қарашлар Алишер Навоий ва Жомий учун муштарак қараш бўлган. Шунинг учун ҳам умуминсоний улуғ орзулар улар ижодида юксак идеал ҳисобланган. Бинобарин, "...Бир даврда, бир хил сиёсий-ижтимоий ва маданий-адабий муҳитда яшаб, ижод этган, устозлик ва шогирдлик, муршидлик ва муридлик одобини Шамс Табризий ва Мавлоно Жалолиддин Румийдан сўнг энг юксак даражада адо этган бу икки сиймони бир-биридан айри тасаввур қилиш, Жомий меросини ўрганмасдан туриб Навоийни, Навоий ижодини ўрганмасдан туриб Жомийни англаш мантиқ ва тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан мумкин эмас [12. Б. 13]. Шунингдек, Ўзбек классик адабиёти ривожланишида Алишер Навоий ва замондошларининг ҳиссаси катта бўлди. Француз олими Реми Дор ёзганидай, Навоий: "... ҳамма санъатларга: шеърият, мусиқа, тасвирий санъат ва архитектурага қизиқар эди. Мир Алишер шеърият султони, услуб (style) султони, асар султони, сиёсий фаолият султонидир. Бугунги ночорлик ва ўртамиёналик даврида биз бу буюк оммавий, хусусий ютуқлар намояндаси олдида орзуманд бўлибгина қоламиз. ...Навоий аваламбор буюк инсонпарвардир. Унинг ғоялари Ўрта Осиёга мангу сингиб кетган" [13. Б. 9].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюк адиб Навоий ўзигача мавжуд барча илоҳий, фалсафий, эстетик илмларни изчил ўрганиш билан бирга замондош олим ва ижодкорлар қарашлари билан уйғунлаштира олди. Хусусан, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий фалсафий ва эстетик қарашларидаги яқинлик улар ёзган асарлар мазмунмоҳиятини ташкил этди. Гарчи ҳар иккиси буюк олим бўлган ўз замонасининг етук мутафаккирлари бу улуғ инсонлар ижодидаги айрича ўзига хос талқинлар мавжуд бўлишига қарамай фалсафий муаммоларни муҳокама этишда ҳамиша яқинлик бўлган. "Ўзбекистонга келиб, Алишер Навоий ижодини ўрганган ва унинг "Лисон-ут-тайр" асарини инглиз тилига таржима қилган канадалик Ҳарри Дик Навоийга "Дунёни маънавий таназзулдан қутқара оладиган кўнгил боғининг боғбони" дея таъриф берган"[16. Б. 1] эди. Биз Ҳарри Дик фикрини эътироф этиб, нафақат Навоийни, балки Шарқ мутафаккирларини том маънода оламни маънавий таназзулдан қутқара оладиган кўнгил боғининг боғбонлари дегимиз келади.

Адабиётлар

1. *Ҳайдар Мирзо, Муҳаммад*. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010.
2. *Навоий, Алишер*. Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991.
3. *Навоий, Алишер.* Хамсат ул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999.
4. *Жомий, Абдураҳмон*. Силсилат уз-заҳаб. Танланган асарлар. 4 жилдли. 1-жилд. – Душанбе: Урфон, 1972.

5. *Жомий, Абдураҳмон*. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. Олимжон Бўри таржимаси. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
6. *Навоий, Алишер*. Лайли ва Мажнун. Мукаммал асарлар тўплами. 9-том. – Тошкент: Фан, 1992.
7. *Навоий, Алишер*. Сабъаи сайёр. Мукаммал асарлар тўплами. 10-жилд. – Тошкент: Фан, 1992
8. *Навоий, Алишер*. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. – Тошкент: Фан, 1998.
9. *Ҳасаний, Маҳмуд*. Жомий ва Навоий. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
10. *Олим Ф*. Навоий наздида комил инсон. – Тошкент: Маънавият, 2015.
11. *Комилов Н.* Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
12. *Холмўминов Ж.* Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
13. *Мамадалиев А., Насриддинова Ё.* Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг француз тилига ўгирилган айрим намуналари ҳақида // Илмий хабарнома, 2015. – №1. – Б. 76-80.
14. *Яҳё Абдулмажид, Ҳасанхон, Яҳё Абдулмажид, Ҳусайнхон*. Навоийдан чу топқайлар навое. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2014.
15. *Воҳидов Р.* Маънавият оламининг порлоқ қуёши. – Бухоро, 2004.
16. Дунёни забт этган шеърият. URL: http://auz.uz/news/dunyoni-zabt-etgan-sheriyat (Мурожаат этилган сана: 12.02.2019)

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE PHILOSOPHICAL AESTHETIC VIEWS OF NAVAI AND DZHAMI

R. E. Khaidarov[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 26–33.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *Navai, Dzhami, philosophy, Sufism, Spirituality, ethics, aesthetics, secular sciences, teacher and disciple relations*.

The formation of philosophical aesthetic views in the Middle Ages, the development of religious knowledge and secular sciences, as well as the enhancement of the spiritual and moral views of young people on modern globalization are of great value to the merits of Eastern thinkers. Such great thinkers are Alisher Navoi and Abdurahman Dzhami. The philosophical and aesthetic views of these two great thinkers are very close to each other.

In this article ethics and moral character Alisher Navoi and Abdurakhman Dzhami, their fictional-ethic outlooks based on man's moral development are analysed comparatively, made several conclusions.

This article analyzes the social and philosophical views of the scholars on a comparative basis and analyzed them. In this regard, Muhammad Haidar Mirzaa in is "History Rashidiy", mentions Mevlana Abdurrahman Dzhami, as the great of all noblest people of the time of the Sultan Khusain Mirzaa, the light of the Islamic world Shaykh Ul-Islam, Mevlana Abdurrahman Dzhami.

It is evidential tat Khazraat Mer Alisher Navai lived in one period with Abdurrahman Dzhami, the great poet and the greatest poet of his time, and lived with it proudly. As has been pointed out in many historical sources, Mevlana Abdurrahman Dzhami and Alisher Navaiwere very close to each other, and we can say that they were teacher and disciples. This teacher and disciple relations continued for the rest of these two figures lives. The overall friendliness and skill of Alisher Navoi and Mevlana Abdurrahman Dzhami, the creative collaboration of these rare people are reflected in many historical and literary sources, as we have said above. Alisher Navoi, a famous researcher and poet who knew the spiritual and aesthetic world of Dzhami.

Alisher Navoi and Abdurrahman Dzhami shared their views on love. In particular, love for Dzhami means not only the love of men and women, but also the love and compassion of all people, as Ibn Sina wrote in a book about "Love".

Porsa Shamsiev, the famous Navaist, collected and published the "Dzhami and Navai", collecting parts that dedicated to Abdurrahman Dzhami in all works of Navai. Oriental literature candidate M. Shomukhammedov gave an interesting insight into Jomi's philosophical aesthetic views in his book "Classics of the Persian Classics": "On a fun day, he spoke to the navy about cottage cheese. In an interview, the teacher and the student discuss poems (including poems written by Hamsa before them) included in the hamsa. The final argument emphasizes that he wrote his thoughts about the fair state of equality and freedom in his message "Alexander the Great". Such philosophical views were commonplace for Alisher Navoi and Jomi. Therefore, universal human dreams are a great ideology in their work.

In conclusion, the proximity of Alisher Navai and Abdurrahman Dzhami to philosophical and aesthetic views constitutes the essence of the works that they wrote, even though the well-educated intellectuals, both of whom have had to knowledge, have always been close to discussing philosophical issues, even though there were specific interpretations of these great men`s.

References

1. Haydar Mirzo, Muhammad (2010). *Tarixi Rashidiy* [History of Rashidiy]. Tashkent: Sharq.
2. Navoiy, Alisher. (1991) *Hayrat ul-abror* [Admiring good people]. Complete collection of works. 7th. Tashkent: Fan.
3. Navoiy, Alisher. (1999) *Xamsat ul-mutahayyirin*. Complete collection of works. 15th. Tashkent: Fan.
4. Jomiy, A. (1972) *Silsilat uz-zahab* [The golden system]. Four volumes Selected works. 1-volumes. Dushanbe: Urfon.
5. Jomiy, A. (1989) *Layli va Majnun*. *Salomon va Absol* [Layli and Mazhnun. Salomon and Absol]. Translation of Olimjon Bori. Tashkent: Literature and Art Publishing House named after G.Gulyam.
6. Navoiy, Alisher. (*1992*) *Layli va Majnun*. [Layli and Majnun]. Complete collection of works. 8th. Tashkent: Fan.
7. Navoiy, Alisher. (1992) *Sab'ai sayyor*. [The Seven planets]. Complete collection of works. 10th. Tashkent: Fan.
8. Navoiy, Alisher. (1998) *Mahbub ul-qulub* [The soulful love]. Complete collection of works. 14th. Tashkent: Fan.
9. Hasaniy, Mahmud. (1989) *Jomiy va Navoiy* [Dzhami and Navai]. Tashkent: Literature and Art Publishing House named after G.Gulyam.
10. Olim, F. (2015) *Navoiy nazdida komil inson* [The ideal man according to Navai]. Tashkent: Ma'naviyat.
11. Komilov, N. (1996). *Tasavvuf.* Birinchi kitob [Sufism. First book] Tashkent: Yozuvchi.
12. Holmo`minov, J. (2008) *Jomiy va vahdat ul-vujud ta'limoti* [Dzhami and "vahdat ul-vujud" doctrine]. Tashkent: O`zbekiston milliy ensiklopediyasi.
13. Mamadaliyev A., Nasriddinova Y. (2015) Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarining fransuz tiliga o`girilgan ayrim namunalari haqida [About some examples of the works of Alisher Navoi and Zahiriddin Muhammad Babur translated into French]. *Ilmiy xabarnoma*. №1. pp. 76-80.
14. Yahyo Abdulmajid, Hasanxon. Yahyo Abdulmajid, Husainxon (2014) *Navoiydan chu topqaylar navoye* [Navoi will find the best]. Tashkent: Hilol-nashr.
15. Vohidov, R. (2004) *Ma'naviyat olamining porloq quyoshi* [The shining sun of the spiritual world]. Bukhara.
16. *Dunyoni zabt etgan she'riyat* [Online]. URL: http://auz.uz/news/dunyoni-zabt-etgan-sheriyat (Date of Access: 12.02.2019).

Муаллиф ҳақида маълумот:
Ҳайдаров Раҳматулло Эргашевич – Андижон давлат университети Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси. E-mail: tillo.r@mail.ru